# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 11 декабрь, № 255 (7213) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 декабрь куни АҚШнинг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Халилзод ва АҚШ Президенти ёрдамчисининг ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кёртисни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари АҚШ делегациясини самимий қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланаётгани ва изчил мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди. Жорий йил май ойида АҚШга олий даражадаги ташриф якунида эришилган келишувлар стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб бергани таъкидланди.

Турли даражадаги алоқалар фаоллашди, самарали сиёсий мулоқот ва парламентлараро ҳамкорлик йўлга қўйилди, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда, маданий-гуманитар алмашувлар жадаллашмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни янада кенгайтиришга доир, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Афғонистон билан анъанавий яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратаётгани, ушбу мамлакатда тез фурсатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши, изчил тараққиётни таъминлаш тарафдори эканини қайд этди.

Ўзбекистон ташаббуси билан амалга оширилаётган инфратузилмага оид қатор аҳамиятли лойиҳалар бу жараёнга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Мозори Шариф — Ҳирот темир йўли ва Сурхон — Пули Ҳумри электр узатиш линиясининг қурилиши шулар жумласидан.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги савдо ҳажми ва транзит юк оқимини оширишга хизмат қиладиган божхона терминалини ўз ичига олган “Термиз-Карго-марказ” халқаро логистика маркази ташкил этилди.

Бундан ташқари, Термиз шаҳрида афғон ёшлари таълим олаётган ва касб-ҳунар эгаллаётган Таълим маркази муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Учрашувда Афғонистонда тинчлик музокаралари жараёнини бошлашда афғон халқининг бош ва ҳал қилувчи ролини назарда тутган бутун халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини янада узвий мувофиқлаштириш, ушбу мамлакатга иқтисодий кўмак лойиҳаларини илгари суришда амалий ёрдам кўрсатиш зарурлиги қайд этилди.

Залмай Халилзод ва Лиза Кёртис самимий қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдириб, Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қўшни мамлакатлар, жумладан, Афғонистонга нисбатан ташқи сиёсатига юксак баҳо берилди.

Жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференция якунлари афғон масаласини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича кўп жиҳатдан халқаро чоралар йўналишларини белгилаб бергани ва бу борадаги қўшма ҳаракатлар учун асос бўлгани таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш мақсадида Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш масалаларида ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини қайд этдилар.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш бўйича комплекс чоралар қабул қилинди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини мониторинг қилишнинг таъсирчан механизмлари ишлаб чиқилди, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва минтақавий тузилмалар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро норма ва стандартларни самарали амалга ошириш заруратини туғдирмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолияти самарадорлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажаришнинг таъсирчан тизимини яратиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ:

1. Белгилансинки:

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (кейинги ўринларда — Марказ) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини, миллий маърузалар тайёрланишини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиришни таъминловчи давлат органи ҳисобланади;**

**Марказ ўз ваколатларини** барча давлат органлари ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахсларидан **мустақил равишда амалга оширади**;

**Марказ ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига** инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида **ахборот тақдим этади**;

Марказ давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш масалалари бўйича кўмаклашади;

Марказ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, халқаро ташкилотлар ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотларнинг грантлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

**(Давоми 2-бетда).**



# ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИНИНГ ЭЪТИРОЗИГА, ЖИДДИЙ ТАНҚИДИГА САБАБ БЎЛДИ

*2018 йил 10 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис кун тартибига мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари киритилган бўлса-да, лекин йиғилиш аввалида асосий баҳс-мунозаралар 2019 йилга мўлжалланган бюджет-солиқ сиёсати Концепцияси устида кечиши аён бўлди.*

Таркиб топган анъанага кўра, мажлис арафасида кун тартибига киритилган барча масалалар сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишларида дастлабки тарзда муҳокама қилинганда ҳам депутатлар “2019 йилги бюджет-солиқ сиёсати Концепцияси ва 2020-2021 йилларга прогноз мўлжаллари қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси хусусида қатор ўринли эътирозларини билдирдилар.

Қайд этилганидек, мазкур лойиҳа 2019 йилги бюджет ва солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари Концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Бюджет кодекси, Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутади. Қонун лойиҳаси 2019 режа йилига бюджет сиёсати Концепцияси ва 2020-2021 йиллар прогноз мўлжалларини амалга ошириш мақсадида қонунчиликдаги айрим нормаларнинг аниқ қўлланилиши, бюджетлараро муносабатлар ва солиққа тортиш соҳасидаги алоҳида масалаларни тартибга солишнинг зарур ҳуқуқий шароитларини яратиши лозим эди.

Бироқ ушбу қонун лойиҳаси парламент қуйи палатасининг қўмиталари, фракцияларида бўлиб ўтган муҳокамаларда депутатларнинг бир қатор савол ва эътирозларини келтириб чиқарди.

➡ 2

# РОБОТЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ,

## МАЖБУРИЙ ТИББИЙ СУҒУРТА,

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИНГ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ...

**Соҳа ривожида бутунлай янги босқичга ўтилмоқда.**

*Ўзбекистон аҳолиси йилдан-йилга ўсиб бораётган мамлакатлар қаторига киради. Таҳлилларга кўра, 2035 йилга бориб мамлакатимиз нуфуси 45 миллионга яқинлашиши мумкин. Демак, одамларнинг турмуш фаровонлиги, айниқса, саломатлигини таъминлаш жуда муҳим масала бўлиб қолаверади. Шу боис сўнгги икки йилда мамлакатимизда тиббиёт тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашга киришилди.*

Албатта, муайян натижаларга эришилди. Лекин фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган вазифаларни самарали ҳал этиш, Тошкентдан тортиб, Оролбўйигача бўлган ҳудудларда яшовчи аҳоли қатламларининг барчасига бирдек сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яратиш, жаҳон талабларига мос миллий соғлиқни сақлаш тизимини жорий этиш учун соҳани янада такомиллаштириш зарурати долзарб масала бўлиб турибди.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони айнан ушбу вазифаларни, яъни замонавий соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишни назарда тутади. Мазкур ҳужжат билан соҳанинг тараққиёт йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Бу борада мутасаддилар ўз муносабатларини билдирдилар.

➡ 3

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн еттинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси 2018 йил 13 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари эртага, 2018 йил 12 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.




Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, ушбу соҳадаги Ўзбекистон Республикаси халқаро мажбуриятларининг бажарилиши бўйича давлат органлари фаолиятига кўмаклашиш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсиялари бажарилишини мониторинг қилиш;

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича миллий маърузалар тайёрлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракат режаларини (“йўл хариталари”ни) ишлаб чиқиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилишни таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш масалалари бўйича давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотларга маслаҳат бериш функциясини амалга ошириш ва уларга амалий кўмаклашиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўмаклашиш, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда тузилмалар, хорижий мамлакатлар миллий институтлари билан ҳамкорликни амалга ошириш.

3. **Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажаришда фаол ва бевосита иштирок этиш, идоралараро ҳамкорлик қилиш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, шу жумладан, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгилансин**.

4. Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажаришга алоқадор вазирликлар, идоралар, бошқа давлат органлари Марказ билан доимий ҳамкорлик қилиш, унинг сўровига кўра инсон ҳуқуқлари соҳасида тегишли ахборот ва статистик маълумотларни тақдим этиш учун масъул тузилмалар ва мансабдор шахсларни белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига:

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича миллий маърузалар лойиҳаларининг муҳокамаларини ўзларининг қўмита ва комиссияларида ўтказиш;

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича миллий маърузаларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг устав ва шартномавий органларида кўриб чиқиш якунларини заруратга қараб эшитиш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракат режаларини (“йўл хариталари”ни) тасдиқлаш тавсия қилинсин.

**Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ва уларни чеклаш масалалари бўйича қонун лойиҳалари Марказ билан мажбурий равишда келишилади.**

6. Марказ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари ва бошқа ташкилотлар билан меморандумлар, ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиш, қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича халқаро форумларда мунтазам иштирок этишни назарда тутувчи Марказнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқсин.

7. Қуйидагилар:

бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 35 нафар кишидан иборат Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг янгиланган ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Марказ ходимларининг меҳнатига Ягона тариф сеткаси бўйича ҳақ тўлаш разрядлари 3-иловага мувофиқ;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Белгилансинки:

Марказни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор бошқаради;

Марказ директори унинг тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган иккита ўринбосарга, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосарга эга;

Марказ директори мақоми, тиббий ва транспорт таъминоти шароитлари бўйича вазирга, директорнинг биринчи ўринбосари вазирнинг биринчи ўринбосарига, директор ўринбосари вазирнинг ўринбосарига тенглаштирилади;

Марказ ходимларига Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимлари учун назарда тутилган махсус унвон — мартаба даражалари берилади ҳамда мартаба даражалари учун устама ва кўп йиллик хизматлари учун қўшимча ҳақ тўланади;

Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра Марказ ходимлари лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари 1,7 баравар кўпайтирилган миқдорда қўлланилади.

9. Марказ директорига:

зарур ҳолларда, Марказ тузилмасига бошқарув ходимларининг умумий белгиланган сони доирасида ўзгартириш киритиш;

Марказ зиммасига юкланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида маслаҳатчи сифатида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, илмий-тадқиқот муассасаларининг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, белгиланган тартибда халқаро ва хорижий ташкилотлар экспертларини жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

республика бюджетидан Марказ ходимлари лавозим маоши миқдорининг ошиши, уларга устама ва қўшимча ҳақлар тўлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур миқдорда маблағ ажратсин;

2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида Марказ ходимларининг иш ҳақи фондини оширилган миқдорда молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин;

Марказга асосланган ҳисоб-китобларга кўра моддий-техника базасини шакллантиришга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва ахборот-коммуникация технологияларини сотиб олиш ҳамда маъмурий бинони таъмирлаш учун маблағлар ажратилишини таъминласин;

Марказга хизмат кўрсатиш учун учта шахсан бириктирилган ва битта навбатчи автомобилни таъминлаб туриш учун зарур лимитлар ажратсин.

11. Марказ Тошкент шаҳар, Ислом Каримов кўчаси, 15-уйга бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги белгиланган тартибда Марказни алоқанинг зарур воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқаси билан ҳамда бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғидан кенг полосали фойдаланишни таъминлашга кўмаклашсин, шунингдек, хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда видеоконференциялар, интернет-форумлар ва телекўприклар ўтказишда зарур техник ёрдам кўрсатсин.

13. Марказ:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Олий судининг статистик ахборотлари мажбурий жўнатмалар реестрига;

Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

14. Марказ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 10 декабрь

# ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИНИНГ ЭЪТИРОЗИГА, ЖИДДИЙ ТАНҚИДИГА САБАБ БЎЛДИ

1

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Регламентига кўра, Бюджетнома тасдиқлангандан кейин у билан боғлиқ бўлган бюджет-солиқ сиёсати ҳақидаги қонун лойиҳаси Ҳукумат томонидан парламент қуйи палатасига киритилиши, палата қўмиталари ҳамда фракцияларида кенг муҳокама этилиши ва қабул қилингач, 10 кун ичида Сенатга юборилиши керак. Депутатлар мажлисда, аввало, Вазирлар Маҳкамаси томонидан мазкур ўта мураккаб ва муҳим қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига жуда кечиктириб киритилганига эътироз билдирдилар.

Бундан ташқари, Президентимиз қабул қилинаётган қонунлар тўғридан-тўғри амал қилиши, унда ҳаволаки нормалар мутлақо бўлмаслиги лозимлиги ҳақида бот-бот такрорлаб келаётган бир пайтда мазкур қонун лойиҳасида кўплаб ҳаволаки норманинг мавжудлиги депутатларнинг эътирозига сабаб бўлди.

Шунингдек, парламент вакилларининг таъкидлашича, лойиҳанинг 71-моддасида хронометраж ўрганиш, яъни тадбиркорлик субъектларининг нақд пул тушуми, ишлаб чиқариш ҳажми, товар (иш, хизмат) реализацияси хронометражи ўтказилаётган даврда тушумларнинг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш мақсадида товар (иш, хизмат)ларни ҳақиқий реализация ҳажмларини аниқлашга доир солиқ текшируви солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун асос бўлиши қонунан белгиланаётгани амалиётда бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Сабаби аксарият ишлаб чиқариш ҳажми, товар (иш, хизмат) реализациясида мавсумий ҳолатлар мавжуд бўлиб, хронометраж ўрганиш кўп ҳолларда тушум кўпайган — мавсум айни қизиган пайтларда ўтказилади. Масалан, салқин ичимликлар билан савдо қиладиган тадбиркорлик субъектлари ва ишлаб чиқаришлар — ёз жазирамасида, фармацевтика фирмалари — қиш чилласида хронометраж қилиниши тадбиркорлик субъекти эгасига нисбатан адолатдан бўладими? Ҳолбуки, табиий шароит, яъни “ўлик” мавсумларда тадбиркорлик субъектларининг тушуми камаяди. Мазкур қонун лойиҳасида эса солиқ тўловчида товар (иш, хизмат)лар реализациясидан фойда камайиши юзага келган ҳолларда бу ҳаракат солиқ тўлашдан бўйин товлаганлик сифатида таснифланиши белгиланаётгани депутатларда эътироз уйғотди. Ваҳолонки, бунга бошқа қатор объектив ва субъектив омиллар ҳам сабаб бўлиши мумкинлиги қайд этилди.

Шунингдек, парламент вакиллари мазкур қонун лойиҳаси билан солиқ тўловчиларни мавзули ва экспресс-ўрганишлар тартиби ўрнатилаётгани ҳақида ҳам шундай мулоҳаза билдирдилар. Уларнинг фикрича, мамлакатимизда қонунчиликни босқичма-босқич либераллаштириб, тадбиркорга кенгроқ имконият ва эркинлик яратилаётган бир пайтда мазмун-моҳияти текширувдан бошқа нарса бўлмаяпти, лекин янгича номланган нормаларнинг “кашф” қилинишидан ким наф топади? Бу каби ўрганишларнинг жорий қилиниши тадбиркорларнинг вақтини олиб, иш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади, холос.

Муҳокамаларда қонун лойиҳасида белгиланган яна бир норма — ҳисобга олиш, мавжуд маълумотлар қонунийлик даражасини ошириш ва ўрганиш орқали маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчилар ҳақидаги ишончли маълумотларни тўплаш мақсадида ўтказиладиган солиқ тўловчиларни паспортлаштириш — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўловчининг ҳудудини, бино ва иншоотларини, мол-мулкини ўрганиш ҳамда бу жараёнда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари жалб этилиши мумкинлиги ҳам кескин баҳс-мунозара келтириб чиқарди.

Депутатлар эътироз билдирганидек, ахир бу оддий, кундалик жараён бўлиши керак эмасми? Шунчаки рўйхатга олиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакили нега керак бўлиб қолди? Биз фуқаролик жамияти қуришни тарғиб қилаётган бир пайтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалла бош-қош бўлиши керак бўлган маҳалла ҳудудида ҳам фаолларнинг ўзи рўйхатни тузмаса тўғри бўлармикан? Бу юртимиз учун ноёб бўлган маҳалла институти нуфузини тушириб юбормайдими?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида маҳаллий бюджетларнинг даромадини кўпайтириш, орттирилган қўшимча даромадларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини кучайтириш ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга йўналтириш кўзда тутилган эди. Қонун лойиҳасида эса маҳаллий бюджетларнинг даромадини ҳудудларнинг ўзида қолдириш масаласи бирмунча мавҳум қолдирилгани ҳам депутатлар эътиборини тортди.

Умуман, йиғилишда Ҳукумат томонидан киритилган ушбу қонун лойиҳаси қизғин муҳокамаларга, эътирозларга олиб келди. Кескин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Муҳокамалар якунига кўра, депутатлар томонидан қонун лойиҳаси муҳокамасини кечиктириш, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасига эса ушбу лойиҳа бўйича масъул бўлган Ҳукумат аъзоларини, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг мутахассисларини жалб этиб, лойиҳа устида жиддий ишлашни давом эттириш, барча депутатларнинг таклиф ва танқидларини эътиборга олган ҳолда, келгуси ялпи мажлис муҳокамасига киритиш таклиф қилинди.

Ушбу таклиф бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатларига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

# Халқ вакилларининг қатъий позицияси қаерда қолди?

**Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида шу саволни ўртага ташлади.**

**Муносабат**

*Мазкур савол юзасидан парламент аъзолари ўз фикрларини билдиришди.*

**Жуманазар ОТАЖОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Тантанали маросим иштирокчиларидан бири сифатида давлатимиз раҳбари маърузасини тинглаб, ҳар бир депутат ўзининг ўтган даврдаги фаолиятини, нималар қилди-ю, нималарни амалга ошира олмади, энди нима иш қилиши ва қайси масалаларга алоҳида эътибор қаратиши лозим, деган саволларни ўзига бергани, шубҳасиз.

Таъкидлаш лозимки, ўтган икки йил давомида депутатлар ва сенаторлар томонидан жойларга чиқиб, аҳоли билан бевосита мулоқотлар ўтказилди, мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан қатор чоралар кўрилди. Бироқ назаримизда, жойларда аниқланган муаммолар фақатгина ўша жойга хос муаммо сифатида қаралиб, уларнинг юзага келиш сабаблари нимада эканлиги, уларни бартараф этиш ва келгусида такрорланмаслиги учун қандай қонун ҳужжатларини қабул қилиш ёки қайсиларига тузатишлар киритиш зарурлигини чуқур таҳлил этиш масаласига етарлича эътибор қаратилмаганлигини тан олиш жоиз. Шундай экан, фаолиятимизда асосий эътиборни халқимиз талаб-истакларидан келиб чиқиб, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган, тўғридан-тўғри ишловчи қонунларни қабул қилиш, уларнинг ижро этилиши устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларига қаратишимиз даркор.

**Баҳром ОБИДЖОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Парламент қуйи палатаси томонидан бугунги кунда қонун ижодкорлиги соҳасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ ишлар давр талаби даражасида ташкил этилмоқдами? Халқ вакиллари яна қандай масалаларга эътибор қаратишлари лозим? Бунинг учун, энг аввало, қонун қаерда қандай ишлаяпти, деган саволни ўзимизга беришимиз лозим. Бинобарин, давлатимиз раҳбари маърузада Олий Мажлис палаталарида қонунлар ижросини кўриб чиқиш, раҳбарлар ҳисоботини эшитиш билан чекланмасдан, бевосита жойлардаги аҳволни тизимли равишда ўрганиш ва тегишли таклифлар ишлаб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш зарурлигини билдирди.

Шундай экан, ҳудудларда бўлиб, ҳар бир қабул қилинаётган қонунни атрофлича муҳокама этишимиз, унинг кейинги ижросини таҳлил қилишимиз мақсадга мувофиқ. Бу жараёнда шунчаки кузатувчи ёки эксперт эмас, балки ташаббусни ўз қўлимизга олиб, бевосита лойиҳа ташаббускори ва ижодкори бўлиш айни муддаодир. Бу борада ҳали кўплаб ишларни амалга ошириш зарур. Мисол учун, ҳар бир депутат сайловчилари билан бевосита мулоқот қилишлари, билдирилган ҳар бир таклифга нисбатан бефарқ бўлмаслиги керак. Айнан шу мурожаатлар янги ва халқчил қонунларни ишлаб чиқиш учун замин бўлади.

**Рўзибой САИДОВ, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари:**

— Ҳуқуқий-демократик давлатнинг бош мезони бевосита фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиб, унга амал қилган ҳолда яшаши, қонун устуворлиги кундалик ҳаёт тарзига айланиши демакдир. Жамиятимиздаги кўпгина иллатлар, фуқароларимиз ҳаёт тарзининг барқарорлашувига тўсиқ бўлаётган камчиликлар айнан ўз ҳақ-ҳуқуқини билмасликдан бошланади.

Бу ҳақда давлатимиз раҳбари ўз маърузасида жон куйдириб гапирди. Таълим муассасаларида ҳуқуқ асослари фанининг ўқитилиши танқид остига олинди. Давлат миқёсида жуда катта ишлар қилинмасин, мукаммал қонунлар қабул қилинмасин, аммо уни халқ билмаса, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан ўз ўрнида фойдалана олмаса, бу мукаммалликдан кутилган натижа ўзини оқлай оладими? Албатта, йўқ.

Шу ўринда мамлакатимизнинг Асосий Қонуни ва унинг давлатчилигимиз тарихида тутган ўрни ҳақида кўпгина ҳолларда сана муносабати билан мурожаат қилишимиз хусусида ҳам сўз борди. Ҳолбуки, жамиятимизда олиб борилаётган ҳар қандай янгиланиш ва ислоҳотлар, аввало, унда белгилаб берилган меъёрларга бориб тақалади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланган мазкур ҳужжатни тўғри тушуниш, моддама-модда англаш — ҳуқуқий билимдонликнинг асоси, менинг назаримда.

Парламент вакиллари сифатида бу борада жойларда қилинаётган ишларни янада кучайтириш, болаларимизнинг ўз ҳуқуқларини билиб, англаб вояга етиши учун янада қатъий чораларни кўриш — фаолиятимиз асосий йўналишларидан бирига айланади.

**М. КАРИМОВА ёзиб олди.**

# Бебаҳо қадриятлар ва миллий пойдевор

*Бундан 70 йил олдин, 10 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган. Мазкур ҳужжатда универсал қадриятлар мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унда ирқи, миллати, тили ва жинси, дини ва сиёсий хоҳиш-иродасидан қатъи назар, инсон ҳуқуқлари дахлсиз эканлиги эътироф этилган.*

**Халқаро конференция**

У Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини шакллантиришда қандай роль ўйнади? Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг янги йўналиши умумбашарий қадриятлар билан қай даражада ҳамоҳанг?

Пойтахтимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ҳамкорлар кўмагида ташкил этилган халқаро конференция иштирокчилари шу ва бошқа масалаларни муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан биридир. Ундаги барча принциплар мамлакатимиз Конституциясида ўз ифодасини топган. Бу эса инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг самарали тизимини яратишга имкон берди. Бинобарин, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тартибга солишга қаратилган 12 та конституциявий қонун, 17 та кодекс ва 700 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўз навбатида, республикамиз 80 дан зиёд халқаро ҳужжатларга қўшилди ва БМТ томонидан ушбу йўналишда ҳаётга татбиқ этилган ўнлаб халқаро шартномалар иштирокчисига айланди.

Ҳаракатлар стратегияси инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари соҳасини ислоҳ этишда янги босқични бошлаб берди. Пировардида БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг ўзига хос “йўл харитаси” яратилди. Самарқандда Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осиё форуми ташкил этилиши Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойилларига содиқ эканлигининг ёрқин тасдиғи ҳамда юртимизда ушбу йўналишда қўйилган муҳим қадамларнинг халқаро ҳамжамият томонидан тан олинишидир.

Зеро, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Марказий Осиёда мутлақо янгича сиёсий ишонч муҳити юзага келди. Чегаралар бўйича баҳсли масалалар тартибга солинди, сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш бўйича муросага келинди. Афғонистонга эса ушбу минтақанинг ажралмас қисми сифатида қаралаётир.

— Охирги икки йил Ўзбекистонда туб ўзгаришлар даври бўлди, — деди БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Хелена Фрейзер. — Ислоҳотлар жараёнида инсон ҳуқуқлари олий қадрият, дея эълон қилинди. Мамлакат раҳбарияти болалар меҳнатидан тизимли фойдаланишни йўқ қилишга эришди. Республика ҳукумати қонунни бузган ёки алоҳида руҳий-ижтимоий эҳтиёжга эга ва ёрдамга муҳтож болалар сақланадиган давлат муассасаларига кириш учун ЮНИСЕФга йўл очиб берди. Маиший зўравонликка қарши курашиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши ҳам бу борада муҳим қадамдир. Яқинда Ўзбекистон Халқаро миграция ташкилотининг 173-аъзоси бўлди. ХМТ ташаббуси билан муҳожирлар ҳуқуқлари биринчи Осиё форуми якунлари бўйича қабул қилинган Самарқанд декларациясига ҳам киритилди. Биз бу жараёнларда бундан буён ҳам кўмак бериш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

Анжуманда замонавий ёндашувлар, конституциявий назоратнинг илғор шаклларини жорий этиш, ҳуқуқий асослар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга алоҳида урғу берилди. Шу муносабат билан илғор халқаро тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш муҳим аҳамият касб этади, албатта. Жумладан, “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти экспертлари АҚШ ва Европа мамлакатлари мисолида конституциявий қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясига фуқаролик жамияти институтлари томонидан ҳисса қўшиш амалиёти ҳақида сўзлаб беришди.

Конференция якунида иштирокчилар томонидан Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий-ҳуқуқий кафолатларини янада кучайтиришга йўналтирилган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Фуқаролар ва жамоатчилик бирлашмаларига Конституциявий судга шахсий ҳамда жамоавий шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқини бериш шулар сирасидандир. Экспертларнинг фикрича, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши Умумжаҳон даврий таҳлили доираси ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномавий ташкилотларга тақдим этишдан олдин Ўзбекистон миллий маърузаларининг парламент эшитувини амалиётга киритиш зарур. Уларни кўриб чиқиш эса парламент назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

**Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Юксак эътибор — улкан масъулият

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табриги деҳқон ва фермерлар, дала ишчилари кўнглини тоғдек кўтариб, ўз касбига бўлган меҳрини янада оширгани айни ҳақиқат. Буни жойларда ташкил этилган тадбирлар, мулоқотлар чоғида айтилган самимий дил изҳорларидан ҳам билиш мумкин.*

*Айём тантаналарида бу йилги мавсумда қўлга киритилган ютуқ ва камчиликлар айтиб ўтилиб, аграр соҳани янада ривожлантириш, маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш борасида қилиниши керак бўлган вазифалар бисёр эканига эътибор қаратилди.*


Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

## Шукуҳ

**Содиқжон ҲАСАНОВ, Чуст туманидаги "Барака мева саноат сервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, "Дўстлик" ордени соҳиби:**

— Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни биз учун қўшалоқ байрам бўлди. Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, бир гуруҳ ҳамкасбларим қатори "Дўстлик" ордени билан тақдирландим. Бундан, айниқса, жамоа аъзоларимиз беҳад қувонганини айтмайсизми?!

Корхонамизда ўсимликларни ноанъанавий усул — аэропоника шароитида парваришлаш йўлга қўйилган. Жорий йилда иссиқхонамизнинг 6 сотих қисмига уруғлик картошка туганакларини жойлаштиргандик. Тупроқсиз шароитда ҳаво ёрдамида парваришланган туганаклардан вирусдан холи уруғлик етиштирилди. Эндиги мавсумда маҳаллийлаштирилган уруғликни 2 гектар майдонга жойлаштирамиз, ундан чиққани 348 гектар ерга экилади. Режага кўра, 2020 йилга бориб вилоятимизда картошка уруғи импортига бутунлай чек қўйилади.

Давр қишлоқ хўжалиги ривожи инновацион усулларни дадил жорий этиш билан боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Шундай экан, бу борадаги изланишларни давом эттираверамиз.

**Бобожон БОБОЕВ, Урганч туманидаги "Хоразм қуён савдо" МЧЖ раҳбари, "Шуҳрат" медали соҳиби:**

— Мамлакатимизда чорвачиликка қаратилаётган эътибор бизни унинг сердаромад тармоқларидан бўлган қуёнчиликни йўлга қўйишимизга туртки берди. Натижада хориждан келтирилган наслли қуён зотларини маҳаллийлаштириб, уларни саноат усулида кўпайтира бошладик. Бир гектар майдонда 90 минг бош қуён боқишга мўлжалланган замонавий ферма биноси қурилгач, 24 та қўшимча иш ўрни яратилди. Энг асосийси, мазкур лойиҳа йилига 1 минг 200 тонна дудланган, консерваланган ҳамда музлатиб қадоқланган қуён гўштини экспорт қилиш имконини беради.

Инсон манфаати устувор юртда ҳеч бир меҳнат рағбатсиз қолмаслигига яна бир бор амин бўлдим. Камтарона хизматларим юксак эътироф этилиб, "Шуҳрат" медали билан тақдирландим. Бу эса Ватан равнақи йўлида ташаббускор бўлишга, янада фидокорона меҳнат қилишга ундайди.

**Тўлқин БЕРДИЕВ, Миришкор туманидаги "Бердиев Баҳриддин" фермер хўжалиги раҳбари:**

— Юртимизда қишлоқ хўжалиги ходимларининг меҳнати алоҳида қадрланиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганидан жуда хурсандмиз. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг табриги бизни янги марралар сари руҳлантирмоқда.

Бу йил 20 гектар майдонда пахта етиштирдик. Чигитни ўз вақтида ундириб, агротехника тадбирларини сифатли бажарганимиз туфайли натижа ёмон бўлмади. Давлатга гектаридан ўртача 40 центнердан пахта сотиб, шартнома режасини биринчи теримдаёқ уддалаб, бошқа экинлардан ҳам баракали ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Маҳсулотларимизни ҳосил байрами ва Янги йил арафасида элимизга тортиқ қилишдан беҳад мамнунмиз.

Инновация

# Далани лазер текислайди

*Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилаётган Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси доирасида Хоразм вилоятида экин майдонларини лазер ёрдамида текислаш технологиясини жорий этишга бағишланган семинар ўтказилди.*

Берилган маълумотларга қараганда, лазер нивелирида текисланган ерларда сув 20 — 25 фоиз тежалади, тупроқ шўрланиши, суғориш вақти, ишчи кучи, энергия сарфи камаяди. Шунингдек, экинлар бир текис униб чиқиб, меъёрий намлик ва озуқа билан таъминланади. Натижада ҳосилдорлик сезиларли даражада ошади.

— Анъанавий усулда тупроқ юзасининг паст-баланд жойлари кўз билан чамалаб, тахминий текисланса, янги усулда ҳар гектар майдондаги фарқ камида 10 — 12 сантиметрни ташкил этади, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор Қаландар Отажонов. — Бу эса бир маротаба суғориш давомида бир гектар майдонда 1 000 — 1 200 метр куб сув тежалади, деганидир. Уруғнинг бир текис униб чиқиши ҳам бу усулнинг афзаллигини кўрсатади.

— Фермер хўжалигимизнинг 6 гектарлик даласини лазер нивелири воситасида текисладик, — дейди Боғот туманидаги "Дилшод" фермер хўжалиги раҳбари Ибодулла Искандаров. — Илгари шу далада 14 та эгат олиниб, 36 бўлакка бўлинар эди. Махсус ускунада текисланганидан сўнг даламиз атиги иккита эгат билан уч бўлакка ажратилди. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Жорий йилда хўжалигимизда ғалла ҳосилдорлиги 80 центнердан ошди.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда фермерлар, қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари ушбу замонавий технологиянинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишди.

**Одилбек ОДАМБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Назорат

# 1 миллиард 177 миллион сўмликдан зиёд камомад



*Дон — халқнинг ризқи. Орамизда эл насибасига кўз тикиб, қайси йўл билан бўлса-да, уни ўмариш ниятида юрганлар ҳам йўқ эмас. Буни Бош прокуратуранинг телеграмдаги расмий каналида эълон қилинган қуйидаги мисол ҳам тасдиқлайди.*

Жумладан, "Қўнғирот ун заводи" АЖ томонидан шартномавий муносабатлар асосида ишлаб чиқариш учун қабул қилиб олинган жами 1 700 тонна шоли маҳсулоти моддий жавобгарлик шартномаси асосида Б. А.га берилиб, Қонликўл тумани, "Жайҳун" ОФЙ ҳудудидаги омборга жойлаштирилган.

"Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси бошқаруви раиси буйруғига асосан, Б. А. жавобгарлигидаги шолининг кирим ҳамда чиқими инвентаризациядан ўтказилганда, 1 миллиард 177 миллион сўмликдан зиёд 817 минг 902 кг. шоли маҳсулотлари камомади аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Бош прокуратура ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

# Орзудаги уй орзулигича қолди

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бошқармаси маълумотларига қараганда, шу йилнинг 8 декабрь куни Тошкент шаҳар ИИББга фуқародан келиб тушган мурожаатда 2016 йил ноябрь ойида пойтахтимизнинг Учтепа туманида яшовчи Ж. Ю. таниши М. А.га Олмазор тумани ҳудудидан 2 хонали уй олиб беришни ваъда қилиб, алдов йўли билан 164 миллион сўм пулини олгани баён қилинган.*



Аммо шу кунга қадар уй олиб бермасдан пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган. Айни пайтда Ж. Ю. ушланган. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

# Томорқадаги оғу

*Республикамизда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.*



Хусусан, Тошкент вилояти божхона бошқармаси Контрабанда ва божхона қонун бузилишларига қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган навбатдаги тезкор тадбир давомида гиёҳванд ўсимликларнинг ноқонуний етиштирилаётгани фош қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати маълумотларига кўра, Чиноз туманида ўтказилган тезкор тадбир давомида М. Т. исмли фуқаро хонадони ва томорқаси холислар иштирокида кўздан кечирилганида, гиёҳванд модда олинадиган нашага ўхшаш 6 туп ўсимлик ўстирилаётгани, шунингдек, пискентлик А. У.нинг яшаш хонадони омборхонасида вазни 10,6 грамм марихуана гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланди.

Тошкент вилояти ИИБ Эксперт криминалистика бўлими мутахассислари мазкур ўсимликларнинг каннабис эканлигини тасдиқлашди. Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекциясининг хулосасига биноан, ўсимликларга нисбатан бажарилиши лозим бўлган барча агротехник тадбир ва парвариш қилингани ўз тасдиғини топди.

Ҳозир юқоридаги ҳолат юзасидан фуқароларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

**Р. ОТАЖОНОВ тайёрлади.**



Анжуман

*Қарши шаҳрида Абу Муин Насафийнинг ибратли ҳаёти ва илмий меросига бағишланган "Илму зиёси кўзларга тўтиё бўлган аллома" номли илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.*

# «Илму зиёси кўзларга тўтиё бўлган аллома»

— Насафий бобомиз бундан минг йил аввал жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ғоясини илгари сурганлар, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Қуронов. — Ватандошимиз яратган асарлардан дунёнинг кўплаб давлатларида, хусусан, Мисрнинг машҳур Ал-Азҳар университетида дарслик сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Анжуман давомида швециялик ва қозоғистонлик олимларнинг мавзуга доир илмий мақолалари ўрин олган материаллар, аллома ҳаёти ва илмий меросига бағишланган "Ҳақиқат қиличи" ҳужжатли фильми намойиш этилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Абу Муин Насафий мақбарасининг обод зиёратгоҳга айлантирилиши борасида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаётгани таъкидланди. Иштирокчилар тадбир сўнгида улуғ аллома мақбарасини зиёрат қилдилар.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

# Юк мотоциклларимиз хорижликлар ҳавасини келтирмоқда

*Қоровулбозор туманидаги "Бухоро реал мото" масъулияти чекланган жамиятида экспорт учун мўлжалланган юк мотоциклларининг илк туркуми тайёрланди.*

— Фаолиятимизни 2018 йилнинг март ойидан бошлаганмиз, — дейди корхона бош муҳандиси Соҳиб Сулаймонов. — Мотоциклларимиз ички бозорда аллақачон ўз ўрнини топди. Буни уларнинг нархи ҳамёнбоплиги, сифати юқорилиги билан изоҳлаш мумкин. Гап шундаки, бизда бутловчи материалларнинг 70 фоизи маҳаллийлаштирилган. Ҳозир маҳсулотимизга хориждан ҳам талабгорлар чиқмоқда. Россияга 2 миллион АҚШ долларилик юк мотоцикллари етказиб бериш бўйича шартнома тузганмиз.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, бизнес лойиҳани амалга ошириш учун 4 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланди. Шунинг 1 миллион 800 минг доллари молия муассасаси томонидан ажратилган кредит маблағларидир.

Корхона жамоаси дастлаб 30 кишидан иборат эди. Қисқа муддат ичида ишчилар сафи 70 нафарга етди. Омоной Ҳақназарова уларнинг бири.

— Туман хотин-қизлар қўмитаси тавсияси билан шу ерга ишга келдим, — дейди у. — Дастлабки кунларда, очиғи, иккиланганим рост. Эплаб кета олармиканман, деб ўйладим-да. Аммо сизга айтсам, бу айни аёлларбоп юмуш экан. Замонавий дастгоҳларни бошқаришнинг қийинчилиги йўқ.

Илк ютуқлардан руҳланган корхона тадбиркорлари фаолиятни кенгайтириш тараддудини кўришмоқда. Янги бизнес-режага мувофиқ, олис чўл ҳудуди бўлган Қоровулбозорда қишлоқ хўжалиги техникаси, хусусан, ер ағдарадиган мотоблоклар, ҳар қандай йўл шароитида ҳам ҳаракатлана оладиган квадроцикллар ҳамда ногиронлик аравачалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Банк мазкур лойиҳани 500 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш орқали қўллаб-қувватлади.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.



# РОБОТЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ, МАЖБУРИЙ ТИББИЙ СУҒУРТА, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИНГ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ...

1 ➡

## Соҳа ривожида бутунлай янги босқичга ўтилмоқда.

**Алишер ШОДМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири:**

— Аввало, соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу йўналишда соғлиқни сақлаш кодексини яратиш, трансплантология тўғрисидаги, репродуктив саломатлик, давлат-хусусий шериклик тизими ва соғлом турмуш тарзи бўйича қонун қабул қилиш кўзда тутилган. Асосий йўналиш, бу — бирламчи тиббий хизматга қаратилиб, профилактика ҳамда касалликларни эрта аниқлаш биринчи галдаги вазифамиз бўлади. Қолаверса, замонавий бошқарув тизимини ва ҳудудларда соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг кластер моделини шакллантириш, исботли тиббиёт, робот хирургия, микрохирургия, нуклеар тиббиёт ҳамда тиббий генетикани жорий этиш мақсад қилинган. Эндиликда мавжуд барча тиббиёт бинолари инвентаризациядан ўтказилади, янги қурилиши мўлжалланган ва таъмирталаблари аниқланиб, улар устида иш олиб борилади. Дори воситаларининг айланмаси эса тўлиқ назоратга олиниб, маркировка ҳамда трекинг тизими татбиқ этилиши кўзда тутилган.




Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган шу ва бошқа устувор вазифалар Фармон билан тасдиқланган 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси орқали амалга оширилади. Концепцияни ишлаб чиқишда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва соҳага доир бошқа халқаро ташкилотларнинг талаб ҳамда таклифлари, дунё миқёсидаги глобал вазифалар эътиборга олинган.

**Лиан КУППЕНС, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:**

— Концепция Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тан олинган йўналишларни ўзида мужассам қилган ўта муҳим ҳужжат бўлди. Уни тайёрлашда бугунги вазият, кеча қўлга киритилган ютуқ ва камчиликларнинг барчаси синчковлик билан ўрганилди, таҳлил қилинди. Шу орқали Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг кейинги истиқболлари белгилаб олинди. Мақсад ҳеч кимнинг эътибордан четда қолиб кетмаслиги, ҳар бир фуқаронинг тиббий хизматдан тўла фойдаланиши учун имконият яратишдир. ЖССТ ўзаро ҳамкорликда тайёрланган ушбу Концепцияни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Бу Ўзбекистон, унинг аҳолиси ҳамда дунё ҳамжамияти учун ҳам эътиборга молик ҳодисадир.

Тиббиётнинг ўзгармайдиган қоидаси бор: касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал. Хасталикларни эрта аниқлаш ва олдини олиш билан бугун ўлим ҳолатларига олиб келиши мумкин бўлган юрак-қон томир, саратон, қандли диабет каби касалликларни даволаш кўрсаткичларини ошириш мумкин. Бунинг учун стационар даволаш, поликлиникалар фаолияти самарадорлигини яхшилаш, жойларда кўп тармоқли марказлашган тиббиёт муассасаларини ташкил этиш, уларнинг моддий-техника ҳамда малакали кадрлар базасини мустаҳкамлаш талаб этилади.

**Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари:**

— Ҳужжатда республикамизда мажбурий тиббий суғурталашни жорий этиш ҳам белгиланди. Албатта, ушбу механизм бирданига эмас, балки босқичма-босқич жорий қилинади. Уни татбиқ этишда давлат томонидан ажратилаётган маблағлар камайтирилмайди, аксинча, улар сақланиб қолади ва аҳоли, айниқса, ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқаролар ушбу маблағлар ҳисобига суғурталанади.

Шунингдек, Концепцияда оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга ҳам алоҳида урғу берилган. Тиббий генетикани, аёллар ва болаларга шошилинч ҳамда ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида, замонавий скрининг дастурларини жорий этиш, "Она ва бола" ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ҳамда маълумотлар тизимларини шакллантириш чора-тадбирлари шулар жумласидандир.

**Эльмира БОСИТХОНОВА, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари:**

— Ҳар бир туман тиббиёт бирлашмаларида болалар шифохоналари бўлимида туну кун ишлайдиган шошилинч постлар ва болалар реанимацияси анестезиология бўлимлари, вилоятларда эса ҳомиладор аёллар, гўдаклар ҳамда болалар учун алоҳида мобиль реанимацион бригадалар, болалар нейрохирургияларини очиш режалаштирилган. Бу эса аҳоли, айниқса, болаларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада оширишга хизмат қилади.




Бундан ташқари, 2019 йил 1 апрелдан эътиборан республиканинг айрим туманларида тиббиёт муассасаларини "ҳар бир даволанган ҳолат" учун клиник-харажат гуруҳлари бўйича ва киши бошига молиялаштириш тизимини тажриба тариқасида жорий этиш, келгуси йил 1 июлдан бошлаб айрим даволаш-профилактика муассасаларини инвесторларга ишончли бошқарувга бериш режалаштирилган. Бу тиббиёт муассасаларини молиялаштириш учун жалб этилаётган бюджет маблағларини мақсадли йўналтириш, соҳада давлат ва хусусий сектор шериклигини йўлга қўйиш орқали хизмат сифатини кўтаришга имкон беради.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг аҳамияти хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Бинобарин, мазкур ҳужжат билан вазирлик тузилмасига муайян ўзгартиришлар киритилади. Жумладан, эндиликда тизимда янги муассасалар фаолият олиб боради. Булар Давлат-хусусий шерикликни ва тиббий туризмни ривожлантириш бош бошқармаси, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигидир.

Ўз навбатида, "электрон соғлиқни сақлаш" тизими кенг жорий этилиб, ягона миллий стандартлар асосида маълумотлар мажмуаси яратиладиган бўлди. Бундан ташқари, ЖССТ тавсиялари бўйича соғлиқни сақлаш ҳисобларининг миллий тизими ҳам жорий этилади.

Қисқаси, айрим давлатларда соғлиқни сақлаш билан боғлиқ муаммолар кўпайиб, сурункали ва юқумли касалликлар эпидемияси хавф-хатарга сабаб бўлаётган бир пайтда юртимизда аҳоли саломатлигини асрашга қаратилаётган улкан эътибор инсон ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари олий қадрият, унинг фаровон турмуш кечириши, бахту саодати эса бош мақсад эканлигидан далолатдир.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.**

СУВ СПОРТИ

*Сузишнинг фойдали жиҳатлари кўп. Хўш, мамлакатимизда мазкур спорт тури билан шуғулланиш имкониятлари қандай? Масалан, ҳозир қиш мавсуми. Ёпиқ сузиш ҳавзалари етарлими? Чунки сузиш машғулотлари фақат ёзда эмас, балки йил бўйи давом эттирилиши керак. Биз бу борада Сирдарё вилоятидаги шароитлар билан яқиндан танишиб, мутахассислар фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутдик.*

# Чемпионликдан кейинги танаффус чўзилиб кетмадими?



## Иштиёқ бор, жой кам

Бугунги кунда вилоятда атиги учта ёпиқ сузиш ҳавзаси мавжуд. Шулардан бири Гулистон шаҳридаги вилоят сув спорти турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабидир. У 2017 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, айни пайтда ҳудуд бўйича фаолият кўрсатиб турган ягона сузиш ҳавзаси ҳисобланади.

Бу ерда учта ҳавза мавжуд. Уларда 300 га яқин ўғил-қизлар спортнинг сузиш ва сув полоси билан мунтазам шуғулланади. Бундан ташқари, 32 нафар спортчи ҳам бор. Улар хусусида сал кейинроқ алоҳида тўхталамиз. Шунингдек, 40 нафар бола пуллик асосда соғломлаштириш гуруҳига қатнайди. Бир ойлик абонемент тўлови 70 минг сўм. Қисқаси, шароитлар яхши. Аммо сузиш билан шуғулланмоқчи бўлган кишиларнинг барчаси бу имкониятдан фойдалана олмайди. Чунки жой йўқ.

— Маълумки, умуртқа поғонасида диск чурраси ҳамда бел оғриғи, остеохондроздан азият чекадиган ёки бўйи ўсмай қолганларга шифокорлар сузишни тавсия этишади, — дейди мазкур спорт мактаби директори Ғулом Нурматов. — Сузиш ҳавзасига ана шундай тавсия билан каттаю кичик жуда кўп келади. Бироқ уларга рад жавобини берамиз. Сабаби мажмуанинг қабул қилиш имконияти бундан ортиғига тўғри келмайди.

Ғ. Нурматовнинг айтишича, ҳозир қиш бўлишига қарамай, ойига ўртача яна 400 нафаргача талабгорлар сузиш ҳавзасига келиш иштиёқини билдирган. Ўшанда ҳам шаҳарга яқин бўлган ҳудудлардан. Ёзда-ку асти қўяверасиз. Лекин барчасининг истаги истаклигича қолиб кетади. Бунга эътироз билдириб, тегишли идораларга арз қилганлар ҳам учраган. Шундай пайтда реал ҳолат ўрганилиб, одамларга тўғри тушунтирилади. Бошқа чора ҳам йўқ-да.

Шу ўринда, ижобий томонини ҳам қайд этиб ўтсак. Кишини хурсанд қилгани, жорий йил давомида ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон очиқ турнирида ушбу мактаб тарбияланувчиларидан етти нафар совриндор, бир нафари ғолиб бўлган. Моҳир сузувчилар орасида терма жамоа аъзоси ҳам бор.



- Сузиш инсон иммунитетини мустаҳкамлайди.
- Ушбу спорт тури гавданинг тўғри шаклланишига ёрдам беради, асаб, нафас, юрак-қон томир тизими, таянч-ҳаракат аъзолари учун фойдалидир.
- Сузиш стрессдан халос этади. Сув гўёки салбий ҳиссиётларни «ювиб», тетиклик, хуш кайфият бағишлайди.
- Ҳарорати +20 даража бўлган сувда атиги бир дақиқа турилганда, қонда гемоглобин миқдори сезиларли миқдорда ошади.

## «Ўқувчиларимиз икки йил давомида умуман шуғулланмади»

Энди оғриқли масала хусусида. Гулистон олимпия захиралари мактаб-интернатига қарашли сузиш ҳавзаси... Одатда, бундай номни эшитганда кўз олдимизга, биринчи навбатда, терма жамоага захира шакллантириб берадиган, чемпионларни тарбиялайдиган маскан келади. Албатта, бунга эришиш учун, энг аввало, спортчига етарлича шарт-шароит зарур. Яъни унга барча стандартга жавоб берадиган сузиш ҳавзаси керак.

Афсуски, мактаб-интернатнинг сузиш ҳавзаси ишламайди. У 2009 йилда Сирдарёда "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари ўтказилиши арафасида бунёд этилган. Ҳозирги кунга келиб эса капитал таъмирга муҳтож. Юқорида тилга олган 32 нафар спортчимиз айни шу мактаб-интернат вакилларидир. Энг қизиғи, илгари вилоят сув спорти турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби очилгунга қадар унинг тарбияланувчилари бу ерда шуғулланган. Энди эса олимпия захиралари ўқувчилари машғулот учун у томонга бориб юришибди. Қаранг, қандай парадокс! Буни қандай тушуниш мумкин?

— Гулистон олимпия захиралари мактаб-интернатига қарашли сузиш ҳавзаси абгор ҳолатга келиб қолгач, ўқувчиларимиз икки йил давомида умуман шуғулланмади, — дейди сузиш бўйича Сирдарё вилояти бош мураббийи Ширьян Шокиров. — Фақат умумий жисмоний тайёргарлик билан машғул бўлдик. Очиғини айтиш керакки, мана шу давр оралиғида кўп нарса йўқотдик. Ишончим комилки, агар инфратузилма муаммоси бўлмаганида шу йил октябрь ойида Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳрида ўтказилган III ёзги ўсмирлар Олимпия ўйинларига биздан ҳам спортчи қатнашган бўларди. Мана, бу ерда шуғулланаётганимизга ҳали бир йил ҳам бўлмади. Бу вақт оралиғида Ўзбекистон кубоги мусобақаларида беш нафар чемпион чиқардик...

Мураббийнинг куюнганича бор. Ахир бу ерда ҳам иқтидорли болалар кўп. Улар Ўзбекистон шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қилишга қодир. Аммо мактабдаги аҳвол бундай бўлгандан кейин... Мактабни таъмирлаш учун таклиф берилган бўлса-да, мутасаддилардан рад жавоби олинган. Сабаб — маблағ йўқ. Энди тасаввур қилинг, спортчининг куни "бегона" ҳавзага қолган бўлса, оддий одамлар сузиш билан шуғулланиш учун қаёққа борсин?!

- Сузувчилар орасида гипертонияга чалинадиганлар бошқаларга нисбатан икки баробар кам учрайди.
- Сузиш билан мунтазам шуғулланадиган боланинг бўғимлари мустаҳкам бўлади, мушаклари яхши ривожланади.
- Мазкур спорт тури Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган. Демак, профессионал спортчи бўлишга аҳд қилган йигит ёки қиз сузиш орқали мамлакат довруғини дунёга танитишга ҳисса қўшиши мумкин...



## Усти ёпиқ, ичи совуқ

Биз санаб ўтган сузиш ҳавзаларидан бири Янгиер шаҳридаги болалар-ўсмирлар спорт мактабида жойлашган. 120 нафар болага мўлжалланган ёпиқ сузиш ҳавзасида энг катта муаммо иситиш тизими билан боғлиқ. У ўтган йилдан буён умуман ишламайди. Мутасаддиларга шу ҳақда савол билан мурожаат қилдик.

Маълум қилинишича, бу ҳавзага 2019 йилда бюджет маблағлари ҳисобидан 120 миллион сўм ажратиш кўзда тутилган. Шу билан у келаси йили таъмирланиб, ўз фаолиятини бошлайди. Умуман, сузиш спортини жойларда янада ривожлантириш мақсадида бир қанча режалар бор. Хусусан, Боёвут ва Гулистон туманлари ҳамда Ширин шаҳрида 2019 йилда ёпиқ сузиш ҳавзалари қуриш режалаштирилган. Бу, ўз навбатида, сузишга ихлосманд ёшларни мазкур спортга янада кенгроқ жалб қилиш имконини беради.

Амалий ишларга киришилгани яхши. Бироқ бу фақат режа бўлиб қолмаслиги лозим. Ёки эртага ўша ҳавзани қуриб, муайян йиллардан кейин у қаровсиз аҳволга келиб қолмаслиги зарур. Айтмоқчимизки, мазкур сузиш ҳавзалари шунчаки хўжакўрсинга эмас, балки янгидан-янги чемпионларни етиштириб чиқаришдек улкан мақсадлар билан барпо этилган.

Қолаверса, сузиш ҳавзаси ҳар бир туманда бўлиши мақсадга мувофиқ. Чунки сузиш спортига қизиққан бола у билан шуғуллана олсин. Шундагина янги номлар кашф этилади, янги чемпионлар етишиб чиқади. Умид қиламизки, мутасаддилар бу масалага, албатта, эътибор қаратишади.

*Аслида сув спорти бўйича бежиз Сирдарё вилояти мисолида тўхталмадик. Гап шундаки, бу ердан бир пайтлар халқаро мусобақалар, жумладан, тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт байрами — ёзги Олимпия ўйинлари иштирокчилари чиққан. Хусусан, Атланта (АҚШ, 1996 йил) Олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Сирдарё вилояти олимпия ўринбосарлари болалар-ўсмирлар махсус спорт мактаби вакили Сергей Клешко сузиш бўйича қатнашган. Сидней (Австралия, 2000 йил)да ўтказилган Олимпиадада эса худди шу мактабнинг яна бир тарбияланувчиси Анастасия Королёва юртимиз шарафини ҳимоя қилган.*

*Шундай экан, узоқ йиллик танаффусга барҳам бериш фурсати етди. Бунинг учун эса ҳудудда малакали мураббийлар ҳам, иқтидорли спортчи ҳам топилади. Ўрганишлар давомида бунга амин бўлдик. Фақат уларга шароит яратиб берилса кифоя.*

**Шаҳобиддин РАСУЛОВ.**

Маънавият

## Китоб ўқисангиз, хизмат — бепул

*Пойтахтимизда "Китоб дунёси" савдо мажмуасига қарашли янги китоб дўкони Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси кўмагида фаолият бошлади.*

Бу ерда минг номдан зиёд ўзбек ва чет тилларидаги 600 га яқин турли йўналишларга оид адабиётлар жамланган.

Китоб дўконида мижозлар учун алоҳида қулайликлар яратилган. Жавонлардаги исталган китобни шу ернинг ўзида мутолаа қилиш мумкин. Албатта, бу текин. Дўконнинг ижтимоий тармоқларда "t.me/KnigaSale", "kniga.sale" каби саҳифалари бўлиб, улар онлайн тартибда ишлайди. Ушбу саҳифалар орқали буюртма берилган асарлар харидорларга мамлакатимиз бўйлаб бепул етказиб берилади.

## Танлов ғолибига — «Спарк»

*Буюк адиб ва мутафаккирларимизнинг нодир мероси, ибратли ҳаёти ҳамда ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг оммалаштириш мақсадида ташкил этилган "Ёш китобхон" танловида қатнашиш учун 720 мингга яқин ёшлар мурожаат қилди.*

Саралаш босқичларида жами беш мингдан ортиқ ўғил-қизлар иштирок этди. Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичидан 3 ёш тоифаси бўйича жами 42 нафар қатнашчи республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Якунда 10 — 14 ёш тоифаси бўйича самарқандлик Маҳлиё Ўроқова ғолиб деб топилди. Унга Президент совғаси — "Спарк" автомобилининг калити топширилди.

Кўрик-танлов 14 декабрга қадар давом этади.

**Дилшод КАРИМОВ тайёрлади.**

Таълим

## Ўзбек — Беларусь қўшма институти ташкил этилади

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги делегациясининг Беларусь давлатига ишчи ташрифи давомида бу борада шартнома имзоланди.*

2019 йилда юртимизда фаолият бошлаши кутилаётган мазкур нуфузли олий таълим муассасасида, асосан, иқтисодиётнинг реал секторида талаб юқори бўлган малакали ишчи-мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилади.

Амалий мутахассисликлар институтида ўқув жараёни халқаро стандартлар асосида, икки давлат ўқув режаларига таянган ҳолда олиб борилади. Шунингдек, янги олий таълим муассасаси базасида ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари олиб бориладиган қўшма марказ ҳам ташкил этилиши режалаштирилган.

**Д. ЙЎЛДОШЕВ.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ
гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.
Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.



ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ
- 0,4 мм. — 42 000 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 50 000 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 45 500 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 70 500 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ
- RAL 3005,6005,8017 0,45 мм. — 55 000 сўм/п.м.
- RAL 3005,6005,8017 0,5 мм. — 60 000 сўм/п.м.

Хизматлар лицензияланган.
Тел.: 95-475-00-65, 95-197-00-93, 99-871-88-99.
989R/295

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ
МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ
«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК
онлайн-аукцион савдоларига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Навоий вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 265/2018-04-сонли шартномага асосан https://www.e-auksion.uz электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида 2019 йил 7 январгача аризалар қабул қилинади, 2019 йил 9 январда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Навоий вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

| Т/р | Автотранспорт русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақами | Лот рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1 | «УАЗ 31514» | 2001 | 85 489 CAA | 0030028 |
| 2 | «УАЗ 31514» | 2001 | 85 837 BAA | 0030030 |
| 3 | «УАЗ 31514» | 1997 | 85 496 CAA | 0030032 |
| 4 | «УАЗ 31514» | 2001 | 85 148 DAA | 0030029 |
| 5 | «УАЗ 31514» | 1997 | 85 494 CAA | 0030031 |
| 6 | «DAMAS» | 1997 | 85 481 CAA | 0030034 |
| 7 | «DAMAS» | 1999 | 85 475 CAA | 0030035 |
| 8 | «Nexia СОНС» | 1998 | 85 467 CAA | 0030038 |
| 9 | «Nexia СОНС» | 1998 | 85 480 CAA | 0030042 |
| 10 | «Nexia СОНС» | 2000 | 85 459 CAA | 0030044 |

Автотранспортлар сақланаётган манзил:
Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳкўчаси, 220-уй.

Талабгорлар диққатига!
Аукцион савдоларида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.
1075R/526

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади.

1. Машинашунослик ва сервис хизмати кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
2. Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси кафедраси: ассистент, доцент.
3. Технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
4. Меҳнат муҳофазаси ва экология кафедраси: ассистент.
5. Тўқима матолари технологияси кафедраси: ассистент.
6. Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи.
7. Муҳандислик ва компьютер графикаси кафедраси: катта ўқитувчи.
8. Ижтимоий фанлар кафедраси: катта ўқитувчи.
9. Физика ва электротехника кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
10. Костюм дизайни кафедраси: ассистент.
11. Кимёвий технология кафедраси: ассистент.
12. Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси: доцент.
13. Тўқимачилик материалшунослиги кафедраси: доцент.
14. Тиллар кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи, ассистент.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар томонидан ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ҳамда ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхалари топширилади.
Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.
**Эслатма:** мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй. 1-бино, 210-хона. Тел.: 71-253-17-78.
1064J/537

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси вазир Шуҳрат Муҳаммаджонович Содиқовга отаси
**Муҳаммаджон СОДИҚОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва республика судлари жамоалари Олий суд судьяси Бахтиёр Сайфуллаевга онаси
**Зулайҳо ЎРИНОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги жамоаси ушбу ташкилот ходими
**Абдулла Абдулхакович БАЙМУХАМЕДОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.10 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6